



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

**Касимов Комил Хуррамович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ масъул ходими  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8248401>

### ARTICLE INFO

Received: 08<sup>th</sup> August 2023

Accepted: 14<sup>th</sup> August 2023

Online: 15<sup>th</sup> August 2023

### KEY WORDS

Номзод, танлов, кадрларни танлаш, кадрларни тайёрлаш, кадрлар захираси, кадрларни жой-жойига қўйиш.

### ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органлари хизматида номзодларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва кадрлар барқарорлигини таъминлашга доир фаолиятнинг мазмуни очиқ берилган. Ички ишлар органлари хизматида кадрларни танлаш жараёни билан боғлиқ муаммолар, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, соҳани такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда маъмурий ислохотларнинг асосий йўналиши сифатида ижро этувчи ҳокимият фаолиятнинг очиқлигини таъминлаш, бунда фуқароларимиз ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига доир тегишли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлиши керак. Шу жумладан, фуқароларга ички ишлар органлари фаолияти ҳақидаги ҳам маълумотларнинг очиқлиги таъминланиши керак. Масалан, фуқаролар номзодларга қўйиладиган талабларни, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан қай даражада кафолатлар борлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши керак[1].

Н.И. Разуваева кадрларни танлаш жараёни мураккаб жараён эканлигини ва номзодларни куйидаги босқичларга бўлган ҳолда танлаш кераклиги ҳақида ўзининг ўринли фикрини билдирган:

- 1) номзодларни қидириш;
- 2) номзодларни ўрганиш, уларнинг шахсий ва касбий фазилатларини баҳолаш;
- 3) ўрганиш натижаларига кўра, номзодларни лавозимга тайинлаш ёки уларни танловда иштирок этиш масаласини кўриб чиқиш;
- 4) энг муносиб номзодларни аниқлаш учун танлов ўтказиш[2].

Дарҳақиқат, муносиб номзодлар аввало намунали оилалардан, маҳалла, ўқув муассасалари ва давлат ташкилотларидан қидирилади, улар ҳар томонлама ўрганилгандан сўнггина, ўтказиладиган тегишли танлов мезонларига мувофиқ келгусида ички ишлар органларида хизмат ўташга лойиқ ёки лойиқ эмаслиги бўйича хулоса қилинади. Шу боис, ички ишлар органлари хизматида номзодларни муваффақиятли танлаб олиш, танланган излаш усулига ҳам боғлиқ бўлади[1].

Бу борада ҳуқуқшунос Ғ.С. Эшимбетов фикрича, ички ишлар органларидаги хизматга қабул қилишда биринчи навбатда, ўз касбий фазилатлари, ахлоқий



хислатлари, хулқ- атвори ва маданият даражаси билан намуна бўладиган кадрлар захирасини шакллантиришнинг таъсирчан механизми яратилиши бевосита “ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш”<sup>1</sup> га хизмат қилади[3] деб ўз фикрларини баён қилганлар.

фикримизча, ИИОларида қабул қилишда ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл[4] қўймайдиган метин иродали фуқароларни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябридаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарорнинг 1-иловасига мувофиқ “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган бўлиб, ушбу низомнинг 2-бобидан айнан “Ички ишлар органларида хизматга қабул қилиш” тартиби белгиланган бўлиб, ИИОларига 165 сантиметрдан паст бўлмаган эркаклар ва 160 сантиметрдан паст бўлмаган аёллар қабул қилинади деб белгилаб қўйилган.

Назаримизда, ИИОлари ходимига 165 сантиметрдан паст бўлмаган эркакларни қабул қилиш бироз мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябридаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонунинг 2-моддасига биноан “Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикадан иборат” ҳисобланади.

Ходимнинг бевосита вазифалари куч ишлатишга мажбур этиши шахсларни ҳуқуқларни таъминлашда ҳимоя усулларида фойдаланиши зарур. Шунингдек ИИОлари ходими фуқароларнинг кўз ўнгида хар томонлама етук шахсларни тасаввур қилинишини ҳам унутмаслик зарур.

Шу сабабли, ушбу қарордаги ИИОларига 165 сантиметрдан паст бўлмаган эркаклар деган сўзларни *170 сантиметрдан паст бўлмаган эркаклар* деган сўзларга ўзгартиришни таклиф этамиз.

Бундан ташқари, “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги низомнинг 6-бандига биноан хизматга танлов асосида, ихтиёрий тартибда ёши ўн саккиздан кичик ва ўттиздан катта бўлмаган, шу жумладан ўттиз ёшдаги ҳам, тегишли маълумотга эга, шахсий ва ишчанлик сифатлари, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ходимнинг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Ушбу қондан қуйидагича ўзгартиришни таклиф этамиз. Жумладан, *“хизматга танлов асосида, ихтиёрий тартибда ёши ўн саккиздан кичик (таълим муассасалари учун) ва ўттиздан катта бўлмаган, шу жумладан ўттиз ёшдаги ҳам, тегишли*



*маълумотга эга, шахсий ва ишчанлик сифатлари, соғлиғининг ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги бўйича ходимнинг хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади”*

Ушбу таклифни беришдан мақсад 18 ёшдаги фуқарони ишга яъни таълим муассасаларидан бошқа жойларга қабул қилиш 18 ёшли ходимни қийиналишига ва касбий билимлари етишмаслиги шунингдек, ҳаётни паст-баландини кўрмаганлиги туфайдли тизимдаги тартиб қоидага чидай олмай ишдан бўшаш ҳолатлари кузатилмоқда.

Т.Жуманов тадқиқотларига кўра, 2018 йилда ички ишлар органларида хизматдан бўшатилганлар сони хизматга қабул қилинганларга нисбатан 58 фоизга кўп бўлган бўлса, 2022 йилга келиб эса аксинча, ички ишлар органларига хизматга қабул қилинганлар сони хизматдан бўшатилганларга нисбатан деярли икки баробарга кўп миқдорни ташкил этган. Ички ишлар органлари ходимларининг ёши бўйича таҳлил қиладиган бўлсак: 30 ёшгача – 2019 йил 35,8%, 2020 йил 37,6%, 2021 йил 35,3%, 2022 йил 34,2% ташкил этган; 31-45 ёшгача – 2019 йил 57,9%, 2020 йил 56,8% 2021 йил 58,5%, 2022 йил 59,3% ташкил этган; 45 ёшдан юқори – 2019 йил 6,3%, 2020 йил 5,6% 2021 йил 6,2%, 2022 йил 6,5% ташкил этган. Юқоридагилардан кўриш мумкинки, бугунги кунда ички ишлар органлари ходимларининг асосий қисми 31 ёшдан 45 ёшгача бўлганлар яъни 59,3%ни ташкил этади[1].

Хулоса қилиб айтганда ҳуқуқшунос Т. Жуманов тўғри таъкидлаганидек, “Ички ишлар органларида хизматга муносиб номзодларни дастлаб мактабгача таълим ва ўрта мактаблардан ҳамда олий таълим муассасалари, тегишли меҳнат жамоаларидан танлаш ва улар билан тизимли чоратадбирларни амалга ошириб бориш тартиби тўғрисидаги” Йўриқномани ҳам ишлаб чиқиш зарурати мавжуд деб уйлаймиз[1].

## References:

1. Жуманов Т. Ички ишлар органларида хизматга номзодларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда кадрлар барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар //Общество и инновации. – 2023. – Т. 4. – №. 5/S. – С. 128-135.
2. Разуваева Н.И. Подбор и аттестация кадров органов внутренних дел (административно-правовые и организационные аспекты). дис. канд. юрид. наук Воронеж, 2014. – 215 стр., Управление персоналом: учебник для вузов / Под ред. Т.Ю. Базарова, Б.Л. Еремина, 2002. С. 213.
3. Эшимбетов Ғ. С. Ички ишлар органларининг кадрлар билан ишлаш хизматлари фаолиятини бошқаришни ташкил этиш ва мақбуллаштириш //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 5-2. – С. 1102-1109.
4. Қушбоқов, Ш., & Турниёзов, Ж. (2023). Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 2(2), 49-55.